БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 32 (4131)
8 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## Партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчилари

Бугун Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида Тошкент область касаба союзларининг X ҳисобот-сайлов конференцияси ўз ишини ниҳоясига етказди. Делегатлар партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, СССР касаба союзларининг XVI съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан касаба союзларининг ишлари, касаба союз комитетлари ва активистларининг фаолиятини ишчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил этдилар. Тошкент область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браиловнинг докладида, делегатларнинг нутқларида шу нарса яқдиллик билан таъкидланадики, шаҳар ва область меҳнат коллективлари янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ, яхши сураётлар билан иш бошлашди, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, беш йилликни зарбдорлик билан якунлаш учун қўшимча резерв ва имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Касаба союз активистлари, ишлаб чиқариш илғорлари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, якунловчи йилнинг план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада коммунистлар билан бир сафда меҳнат қилиб, партия XXVI съездига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар, ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида даъват этилган 1980 йилни ленинчасига, коммунистчасига ишлаш йилига айлантириш чақириғи ҳар бир касаба союз аъзосининг шиори бўлиб қолди.

Пойтахт области касаба союз ташкилотларининг беш йилликнинг муҳим вазифаларини адо этишда партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчилари эканликлари таъкидлаб ўтилди.

Конференция Тошкент область касаба союзлари Советининг янги составини сайлади.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этди.

Конференция иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг келгуси сонида босилади.

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

### Кеча

**Пушкин кўчасидаги 1-китоб магазинида китобсеварларнинг «Ўзбекистон» нашриёти ходимлари билан учрашуви ўтказилди.**

Нашриёт коллективининг бу йилги режалари ҳақида нашриёт бош редактори О. Абдурахмонов сўзлаб берди. Коллектив айниқса, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига муносиб тайёргарлик кўряпти. Шу йил охиригача доҳийнинг 55 томлик асарлари ўзбек китобхонларига тўла тухфа этилади. Ҳозиргина ўзида В. И. Ленин юбилейига бағишланган қатор китоблар босмадан чиқди. Доҳийнинг «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми» асари совғабоп қилиб чиқарилди. М. И. Ульяновнинг «Владимир Ильич ва Ульяновлар оиласи», авторлар коллективининг «КПССнинг миллий сиёсати амалда», тарих фанлари кандидати А. Азизхоновнинг «Ленин кўрсатган йўлдан», Т. Қодированинг «Ленин ғоялари ўзбек меъморчилигида» китоблари ҳам ўқувчилар қўлига бориб етди. Бундан ташқари авторлар коллективи тайёрлаган «В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали» йўл кўрсаткичи ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида нашр этилди.

Бу йил «Ўзбекистон» нашриёти коллективи 500 номга яқин турли китоблар, брошюралар ва плакатларни босмадан чиқаради.

### Бугун

**Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари И. Назарова, М. Мадаминова ва Р. Шокирова шахсий беш йиллик планларини бажаришди.**

Чевар тикувчилар доҳий В. И. Ленин туғилган кунни беш йиллик планни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилишган эди. Улар ўз мажбуриятларини муддатидан анча олдин ошириб бажаришга муяссар бўлишди. Бундай меҳнат илғорларининг ташаббускорлиги туфайли бирлашмада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб боряпти. Бирлашмада йил бошидан бери реализация қилинган маҳсулот 3 миллион 559 минг сўмликдан ортди. Бунинг 71 минг сўмлиги планга қўшимча тайёрланди. Маҳсулот реализация қилиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,3 процент ошди.

●

**Тошкент мармар заводи коллективи Ватанимиз пойтахти Москвада қурилаётган Олимпиада объектларига 300 квадрат метр мармар кошин юборди.**

Тошкентлик мармар сиқилловчилар москвалик қурувчиларнинг буюртмаларини тез ва соз бажаришяпти. Коллектив ўтган йилнинг ўзида Олимпиада объектларига 4000 квадрат метр мармар кошин етказиб берган эди. Бу йил эса биринчи квартал охиригача 1000 квадрат метр жилокор бинокорлик буюми юборилади. Апрель ойида эса яна 500 квадрат метр мармар кошин етказиб бериш кўзда тутилган.

●

**«Билим» жамияти Собир Раҳимов район ташкилоти лекторларининг корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллаларга чиқишларини уюштиради.**

Лекторлар орасида В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети олимлари, район прокуратурасининг ходимлари бор. Улар «Миконд», агрегат, чинни заводлари, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг меҳнатчилари ҳузурида бўлишади. «Совет демократиясининг афзалликлари», «Халқ номзоллари учун овоз берамиз» мавзуида лекция ва суҳбатлар ўтказишади. Маҳаллаларнинг клубларида эса Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларга бағишланган савол ва жавоб кечалари уюштириладя.

●

**Чилонзор районидаги 3-маданият уйида Улуғ Ватан уруши ветерани, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Эшонқулов билан учрашув уюштирилади.**

Учрашувга Чилонзор массивининг 19, 20-кварталларида истиқомат қилувчи ёшлар йиғилишади. Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Эшонқулов уларга ҳарбий учувчиларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган мислсиз жасоратлари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Эртага маданият уйида бу йил биринчи марта овоз берувчи ёш сайловчилар кечаси уюштирилади. «Билим» жамияти район ташкилотининг лекторлари йигит ва қизлар билан СССР Конституцияси, совет сайлов системаси ҳақида суҳбат ўтказишади.

### Эртага

**Тошкентдан республика зарбдор комсомол отряди Олмалиққа жўнаб кетади.**

Зарбдор комсомол отряди сафида биноқорлик касбларини пухта эгаллаган 200 дан ортиқ йигит ва қиз бор. Улар Олмалиқ кон-металлургия комбинатини реконструкция қилиш ишларида иштирок этишади.

## МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

## РЕЖАЛАР АНИҚ

«Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш тресті 1-қурилиш бошқармаси бинокорлари Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига қизғин тараддуд кўришмоқда. Барча бригадалар меҳнат байрамини уюшқоқлик билан ўтказиш учун чора-тадбирларни белгилашди.

«Қизил шанбалик» куни ўзаро мусобақадош Анатолий Ратушняк ва Юрий Полстянов бошлиқ бригадаларнинг коллективлари ҳам юксак кўрсаткичларни қўлга киритишга қарор қилишди.

**БУГУН**

**бу бригадалар Богдан Хмельницкий кўчасида 42 квартирали, тўққиз қаватли турар жойда умумий қурилиш ишларини тугаллашди. Бош пудратчи бригадалар Пардозлаш трестининг 11-қурилиш бошқармасига иш жабҳаси тайёрлаб берди.**

19 апрель куни бу объектда территория тартибга келтирилади, ободонлаштирил а д и. Шу кунги иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

## МАССИВДАГИ КИЧКИНТОЙЛАРГА

Қуйбишев районидаги 3-Қорасув массивида иккинчи 320 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширишга тараддуд кўрилмоқда. Дастлабки шундай объектни Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 8-қурилиш тресті 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Тоҳир Исмоилов бошлиқ комплекс бригадаси бунёд этган эди.

**БУГУН**

**ҳудди шу коллектив навбатдаги мактабгача болалар муассасасида умумий қурилиш ишларини тугаллади. Пардозлаш трести 24-қурилиш бошқармасининг сайқалчилари эса жилокорлик ишларини қизғин бошлаб юборишди.**

Объектда меҳнат қилаётган биноқорлар Коммунистик шанбалик куни юксак меҳнат кўрсаткичларини қўлга киритишга қарор қилишган. Улар 19 апрель куни бу ерда катта ҳажмда ободонлаштириш, жиҳозларни монтаж қилиш ишларини амалга оширишади.



«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг аҳил коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига 12 зарбдор ўн кунлик эълон қилиб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Меҳнат беллашуви якунларига кўра мана уч ўнкунликдан бери Муҳайё Алиева бошлиқ бригада пешқадамликни қўлдан бермай келяпти.

СУРАТДА: Муҳайё Алиева (тикув машинаси олдида) бошлиқ бригада аъзолари.

Х. Суннатуллаев фотоси.

## ШИЖОАТКОРЛИК БИЛАН

ЗАРБДОР КУРИЛИШ ОДИЛЛАРИ

Айни кунларда Тошкент метрополитенининг биринчи навбати иккинчи участкаси бекатларида сўнгги биноқорлик ва пардоз ишлари қизғин бажарилмоқда. Метро қурилиш трести 3-қурилиш-монтаж бошқармаси биноқорлари «Ҳамид Олимжон» ва «Пушкин» станцияларида зарбдор суръат билан ишлашяпти. Бошқарма қурувчилари иш вақтидан, машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланишлари туфайли қунлик план ва топшириқларини ошириб бажаришмоқда.

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада К. Цаҳоев, Р. Оллоёров, В. Сулимов бошлиқ бригадаларнинг аъзолари пешқадамлик қилишяпти. Улар 22 апрелгача ўнинчи беш йиллик планларини бажаришга сўз беришган.

## ЛЕКТОРИЙ ИШЛАМОҚДА

Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти, шаҳар комсомол комитети, шаҳар юстиция бўлими, прокуратураси ҳамкорликда «Ешлар ва қонун» лекторийсини ташкил қилдилар. Бу лекторий шаҳар ёшлари, комсомол активистлари, оператив — комсомол отрядларининг командирлари, ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари учун ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий мақсади совет ешларининг ҳуқуқ нормалари ва бурчларни ўрганишга қаратилган.

Лекторийнинг яқинда бўлиб ўтган машғулоти «Еш ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқи ва уларнинг юридик кафолоти» деган мавзуга бағишланди. Бу ҳақда Ҳамза район халқ судининг суд ижрочиси С. Исмоилов суҳбат ўтказди.

Бундан ташқари шаҳар прокуратураси тергов бўлимининг прокурори У. Иноможонов «Балоғат ёшига етмаган ўсмирлар жиноятининг сабаблари ва уларни бартараф қилиш тадбирлари» ҳақида гапирди.

Лекторийнинг бу машғулоти жуда қизиқарли бўлиб, кўпгина саволларга етарли жавоблар берилди.

М. ГОЙИБОВА.

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

24 февраль СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

«Красногвардейский» сайлов округига қарашли Чилонзор районидаги 179-ўрта мактаб қошида ташкил этилган 15-сайлов участкаси шу кунларда байрамлагидек безатилган. Мактаб ҳовлисига киравершада пенопластдан катта қилиб ёзилган 15-сайлов участкаси ва сайлов кунини кўрсатувчи календарь киши диққатини тортади.

Узлуксиз ишлаб турадиган агитпункт деворларида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган экспонат, чақириқ, асарлар, альбомлар, Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» эпопеясига, СССР Конституциясига бағишланган рангли расмлар, турли схемалар осилиқ турибди. Агитколлектив аъзоларининг рўйхатлари, агитпунктнинг иш плани, сайловдан-сайловгача бўлган ўзгаришлар ҳақида стенд, агитаторларнинг сайловчилар билан олиб борган ишлари қайд қилинган дафтарлар, газета ва журналларнинг янги сонлари, сайлов ҳақидаги Қонун ва бошқа брошюралар қўйилган. Бу ерда сайловчилар ижодий меҳнатдан сўнг, кўнгилли ҳордиқ чиқарадилар, радио эшитадилар, телевизор томоша қиладилар, 8-музейка мактабининг рубобчи ўқитувчиси О. Ҳошимов раҳбарлигидаги «Бинафша» халқ ансамбли сайловчилар хизматида.

Сайлов олди тайёргарликни намунали ташкил этишда, агитпункт фаолиятини оширишда 179-ўрта мактаб коллективи (директори Қ. Ғ. Қосимов) Чилонзор район партия комитети, район ижроия комитети, район халқ маорифи бўлими яқиндан ёрдам бераяпти.

Ҳозир агитпункт қошида 54 нафар агитатор фаол ишлаб турибди. Доимий навбатчилик уюштирилган. Т. В. Злобинская, И. Н. Клеблеева, С. Шокирова, Д. Қосимова, М. Муинова, Д. Петренко, М. Ибрагимова, Ж. Йўлдошев, З. Абдураҳмонова каби ташкилотчи агитаторлар омма орасида ибратли иш олиб бораяптилар. Уларнинг «Ривожланган социалистик жамиятда партиянинг роли», «Оила ва ниқоҳ», «Совет сайлов системаси», «Давлатимиз ички ва ташқи сиёсати», «Сайловдан-сайловгача», «Беш йилликнинг зарбдор йили» каби мавзуларда ўтказаётган суҳбатлари меҳнаткашларда катта таассурот қолдираяпти.

**Р. НЕЪМАТУЛЛАЕВ.**
**179-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.**

## ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Ташэнергострой» қурилиш-монтаж бошқармасининг қурувчилари йил сайин қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бошқармада ишлаб чиқаришга илғор иш усуллари дадиллик билан қўлланилиши, қурувчиларнинг ўз ишларига нисбатан масъулиятининг ўсиши туфайли тўрт йиллик план муддатидан илгари адо этилган эди.

Бошқарма қурувчилари беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Улар мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш илғорлари бошлаб берган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, ўнинчи беш йиллик план топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажаришга сўз беришган. 1980 йилнинг охиригача эса ўнинчи беш йиллик планларини бажаришга сўз беришган.

## • Республика бўйлаб

### ҚУВВАТЛАР ОШДИ

Поп район телефон станциясида янги қурилма монтаж қилинганидан сўнг унинг қуввати бир ярим баравар ошди. Область маркази ва республиканинг бошқа шаҳарларига эшиттирувчи каналлар сони анча кўпайди. Энди абонентлар телефонистка-лар ёрдамисиз Чуст, Задарё ва Тўрақўрғон районларидаги истаган абонентни чақиришлари мумкин.

* * *

### СОВХОЗНИНГ ЯНГИ СОҲАСИ

Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг ёрдамчи совхозида 2 минг бош жониворга мўлжалланган чўчқачилик фермаси барпо этилди. Бу ерда озуқани тайёрлаш ва тарқатиш жараёнлари механизациялаштирилган. Навоий шаҳри умумий овқатланиш корхоналарининг ва совхоз консерва заводининг чиқитлари чўчқаларнинг асосий озуқасидир. Комбинат заводлари ва корхоналари ходимлари бебошлигига қарши норозилик билдирдилар.

✦ КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзияда аср охирига борив табиий каучук ишлаб чиқаришни 100 процент кўпайтириш тўғрисидаги план ишлаб чиқилди. Каучук илмий-тадқиқот институти томонидан тайёрланган конларининг ошхоналарига дастлабки чўчқа гўшти етказиб берилди.

* * *

### «ЗАНГОРИ ЭКРАНЛАР» ШИФОХОНАСИ

Уйчи районидаги Унҳаёт қишлоғида телевизорларни ремонт қилувчи устахона ишга туширилди.

Беш йиллик мобайнида «Зангори экран» бирлашмаси Наманган областининг 30 та аҳоли пунктида ўз филиалларини очди. Бундан ташқари, 15 та сайёр устахона энг узоқ қишлоқларга талабга кўра жўнатилиб турибди.

(ЎзТАГ).

## Сайловчилар мамнун

Қуйбишев районидаги 112-мактаб қошида ташкил этилган агитпункт сайловчилар билан доимо гавжум. Бу агитпунктда биринчи марта овоз берувчилар бурчаги ташкил этилиб, сиёсий адабиётлар, газета-журналлар ҳамда сайловга доир турли брошюралар бор. Улардан сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб берадиган адабиётларни олиб фойдаланадилар.

Агитпунктнинг тажрибали агитаторларидан М. Алимова, М. Шамсутдинова, З. Шерматовалар хонадонларда бўлиб, сайловчилар ўртасида сайловга оид суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Куни-кеча сайловчилар олдида «Билим» жамияти Куйбишев район ташкилотининг аъзоси Б. Б. Чемоданов «Халқаро аҳвол» тўғрисида лекция ўқиди. Лекция охирида сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

**Р. ҚУРБОНОВ.**

## Якдиллик вазиятида

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари давом этмоқда. Бу учрашувлар партия ва халқнинг бузилмас бирлигини сайловчилар — коммунистлар ва партиясизлар янгона блокининг номзодларини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини ёрқин намойиш қилмоқда.

25-Москва сайлов округи сайловчилари Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими **Наталья Николаевна Вахрушева** билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ 7 февраль куни Тошкентда республика партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Йиғилишда қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари, биноқорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективларининг 1979 йилги иш якунлари ва КПСС Марказий Комитетининг 1979 йилги ноябрь Пленуми қарорлари асосида 1980 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш соҳасидаги вазифалар муҳокама этилди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев доклад қилди.

Йиғилишда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари, корхоналар, биноқорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси коллективларининг 1980 йилги социалистик мажбуриятларини маъқуллади-лар. Ушбу мажбуриятлар бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.



Республика шаҳарлараро телефон станциясининг меҳнатчилари кўплаб абонентларнинг ҳожатини чиқариб, уларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлишяпти.

СУРАТДА: шу станциянинг электр механиги, коммунистик меҳнат зарбдори К. Ким.

Н. Шонноғомов фотоси.

## ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

Бугун ва эртага Тошкент Сибирь антициклонининг жанубий чеккаси таъсирида бўлади. Атмосфера босими сутқасига 3— 4 миллибар пасаяди. Ҳаво бироз бўлутланиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Туман вақтида ҳавонинг нисбий намлиги 95— 100 процентгача етади. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги секундига 2— 5 метр бўлади. Ҳарорат кечаси 8— 10 даражадан совуқ, кундузи 2— 4 даража иссиқ ўртасида бўлади.

* * *

Об-ҳавонинг бундай тургун бўлиши кўпчилик беморларга салбий таъсир этмайди, фақат томоқ ва ўпка касаллигига чалинган беморлар эрталабки соатларда ўзларини эҳтиёт қилишлари лозим.

**З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.**

## телетайп лентасидан

✦ ЛИССАБОН. Португалиянинг жанубий округи — Порталегри қишлоқ хўжалик кооперативлари ва коллектив хўжаликларининг меҳнаткашлари бир кунлик забастовка ўтказдилар. Улар ўнг ҳукумат революциянинг асосий ғалабаларидан бири — ер ислоҳотига ҳужумни авж олдириб юборганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Бир кунниг ўзидаёқ, деб таъкидлайди «Диариу» газетаси, қишлоқ хўжалик министрлигининг кўрсатмасига биноан шу округдаги етитта участка собиқ эгаларига қайтариб берилди. Бу ерлар кооперативлардан тортиб олинди.

✦ АММОН. Иордан дарёсининг Исроил томонидан босиб олинган ғарбий соҳили аҳолисидан ўнлаб араблар қўдусининг шарқий қисмида жойлашган Қизил крест халқаро жамияти ваколатхонаси биносини ишғол қилдилар. Улар араб ватанпарварлари аъзо чекиб ётган Исроил турмаларидаги муддиш шароитга қарши норозилик билдирмоқдалар. Исроил қамоқхоналарининг тўлиб кетган камераларида азоб чекаётган фаластинлик маҳбусларнинг қариндош-уруғлари ва уларнинг энг оддий санитария шароитларидан ҳам маҳрум этилганлигини маълум қилдилар.

Маҳбусларнинг қариндошлари БМТ Бош секретарига телеграмма юбориб, Исроил қамоқхоналари ходимларининг бебошлигига қарши норозилик билдирдилар.

✦ КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзияда аср охирига борив табиий каучук ишлаб чиқаришни 100 процент кўпайтириш тўғрисидаги план ишлаб чиқилди. Каучук илмий-тадқиқот институти томонидан тайёрланган докладда ана шу ҳақда гапирилади.

Каучукзорларни кенгайтириш, илғор технологияни жорий этиш ва гевеиларнинг янги сорунум навларини экиш мўлжалланмоқда. Ҳукумат ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун тўрт миллиард ринггит маблағ ажратмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган табиий каучукнинг 45 процентини Малайзия ҳиссасига тўғри келмоқда.

✦ АДДИС-АБЕБА. Социалистик Эфиопия саноат корхоналарида ривожлантириш ва миллий планлаштириш умуммиллий революцион кампанияси иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақа кенг авж олиб кетди. Мусобақа голибларига меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришганлиги ва жамоат ишида актив иштирок этганлиги учун ишлаб чиқариш илғорлари деган фахрий ном берилади, мукофот ва қимматбаҳо совғалар топширилади. Пойтахтдаги ёғочсозлик ўқафо фабрикасининг ишчилари шу шарафга муяссар бўлдилар. Улар ўзларининг зарбдор меҳнатлари ва шахсий намуналари билан ишлаб чиқариш планининг ортиғи билан бажарилишига салмоқли ҳисса қўшадилар.

(ТАСС.)

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

# ХАТЛАР



Комсомол аъзоси Холида Уринбоева Тошкентдаги 3-босмахонанинг ёш зардоб полиграфчиси. Корхонага бундан икки йил аввал 9-шаҳар ҳунар-техника билим юртини тамомлаб келган бу ёш ишчи мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини ортиғи билан адо этади.

СУРАТДА: Ҳ. Уринбоева.

• *Идеология ишлари хроникаси*

## МАРОҚЛИ МАШҒУЛОТЛАР

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори идеология ходимлари ва активистлари олдига катта вазифалар қўйди. Унда пропаганда ва агитациянинг нишчанлиги ва конкретлиги, унинг ҳаёт билан ҳўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан боғланишини кучайтиришдек муҳим вазифа қўйилди. Пропаганда ва агитациянинг ҳужумкорлик руҳини янада ривожлантириш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Шу маънода Тошкент шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ва республика «Билим» жамиятининг Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан ташкил этилган халқаро мавзулар бўйича ўзбек тилида лекция ўқийдиган лекторлар тайёрлаш икки йиллик курсининг иши диққатга сазовордир.

Курс машғулотларида КПССнинг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсат йўли, ривожланган социалистик жамиятимизнинг муваффақиятлари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг эришаётган ютуқлари ва бошқа актуал масалалар юзасидан лекторларга ҳар томонлама пухта билим бериляпти. Масалан, лекциялар тематикасини кўздан кечирсак, бунга яққол ишонч ҳосил қиламиз. Уларда Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати, ҳозирги босқичдаги идеологик кураш, халқаро аҳвол масалалари юзасидан қизиқарли машғулотлар кўзда тутилган.

Халқаро мавзуда ўзбек тилида лекция ўқувчи лекторларни тайёрлаш курсидаги машғулотларга республикамизнинг таниқли, кўзга кўринган олимлари актив иштирок этишяпти. Улар орасида профессор К. С. Содиқов, Л. А. Хўжаева ва бошқалар бор. Баҳриддин Маннонов, Суръат Азимов, Юсуф Абдуллаев сингари моҳир лекторлар ўқиётган лекциялар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Курснинг ҳар бир машғулоти биз, тингловчиларда катта таассурот қолдиряпти.

**А. РАСУЛОВ,**
**курс тингловчиси.**

**24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ**

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Киров районидаги 6-сайлов участкаси клубида Ўзбекистон ССР Олий ва Маҳаллий Советларига бўладиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Клуб сайловга доир турли-туман плакат ва диаграммалар билан жиҳозланган. Бу ерда истаган газета ва журналларни янги сонлари билан танишишингиз мумкин.

Ҳозиргача сайловчилар тўла рўйхатга олиниб бўлинди. Бу ишда ишчан агитаторлардан В. Рагулина, А. Ойсарохунов, М. Муҳамедовалар жонбозлик кўрсатишди.

**М. ОРИПОВ.**



Штатсиз фотомухбир И. Шоиногомов яқинда шаҳримиздаги 10-авторемонт заводида бўлиб, коллективнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бир нечта фотолавҳалар олиб қайтди. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда автобус цехининг ўровчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Анатолий Иванович Шишкин тасвирланган. Бу ишлаб чиқариш илғори доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда юқори кўрсаткичларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга аҳд қилган. Унинг шу кунлардаги меҳнати эммага олган юксак мажбуриятини белгиланган муддатда бажарилишидан далолат бериб турибди.

## 10 СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

### ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**У. МАВЛО Н О В:** Шаҳримизда эркаклар плашчини тикадиган корхона борми? Бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Газетамизнинг олдинги сонларида хабар қилганимиздек ана шундай эркаклар плашчини тикадиган ателье уйлари Вокзал яқинидаги «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйида, Госпитал бозори ёнидаги ателье уйида ва София проспектидаги қариялар чойхонаси рўпарасидаги ателье уйида тикиб берилади.

* * *

**А. ЗОКИРОВА:** Кўнгирчоқларни тозалаб берадиган химчистка бор деб эшитдим. Ана шу «Химчистка» пунктининг адресини берсангиз.

**Жавоб:** Западная кўчаси, 1-уйга жойлашган «Химчистка» фабрикасида барча кўринишдаги кўнгирчоқлар тозалаб берилади. Ҳар бир кўнгирчоқни тозалаш учун 36 тийиндан 1 сўм 18 тийингача (кўринишига қараб) ҳақ тўланади.

* * *

**К. МУРОТОВ:** Мен курткамни ремонт қилдирмоқчи эдим. Курткаларни ямаб берадиган ателье уйи адресини берсангиз.

**Жавоб:** Бундай ателье уйи Беруний проспектида, Полторацкий кўчасидаги «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйида жойлашган. Ана шу устахоналарга мурожаат қилсангиз курткангизни ямаб беришади.

* * *

**Х. ТЎРАЕВ:** Мен электрон-ҳисоблаш машинаси сотиб олган эдим. Афсуски, ишлаб турган пайтда қўлимдан тушиб кетиб, бузилиб қолди. Шуни қаерда тузатгириш мумкин?

**Жавоб:** Бунинг учун «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилинг. Бу бирлашма биноси Весна кўчаси, 223-уйга жойлашган. Устахонага шаҳар марказидан 2, 10-трамвайларда борилиб, «Техсложбитприбор» бирлашмаси бекатида тушилади.

* * *

**А. СОЛИЕВА.** Уйимизда бир қанча пар ёстиқлар бор. Шуни тозалатиш мумкин деб эшитдим. Ана шундай «Химчистка» фабрикаси пунктининг адресини берсангиз.

**Жавоб:** Бундай пункт шаҳримизда ягона ҳисобланиб, Энгельс кўчаси, 60-«а» уйга жойлашган. Олой бозори яқинидаги бу пунктга 2, 3, 16, 25, 28-трамвайлар, 7, 16-маршрут такси, 9, 24, 51, 60, 72-автобусларда борилиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли бирлашма бекатида тушилади. Буюртмангиз 24 соат ичида бажариб берилади.

* * *

**В. НОРОВ:** Алиментни ихтиёрий равишда тўлаш мумкинми?

**Жавоб:** Алимент тўлашга мажбур бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда ўзи ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойидаги ёки пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойидаги маъмурият орқали тўлаб туради.

Алиментнинг ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундириб олувчининг хоҳлаган вақтда алимент ундириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

* * *

**Р. СОЛИЖОНОВА:** Меҳнат отпускаси вақтида касал бўлиб қолганларга қандай тартибда ҳақ тўланади?

**Жавоб:** Навбатдаги меҳнат отпускаси даврида касал бўлиб қолган ишчи ва хизматчиларга уларнинг касаллик варақаларига биноан қанча вақтдан бери касаба союз аъзоси эканлигига қараб ҳақ тўланади. Отпускага эса узайтирилиши ёки бошқа вақтга кўчирилиши мумкин.

• *Турли касб эгалари*

## ЭЛ ҚИЗИ

Насиба Абдуллахаева — трамвай-троллейбус депосининг 2-трамвай депоси ҳайдовчисининг таржимаи ҳоли аслини олганда бошқаларникидан фарқ қилмайди, балки аксинча, ўнлаб дугоналариники сингари қисқа ва оддий. Кўплар қатори ўрта мактабни битирди. Сўнгра меҳнат фаолияти бошланди.

Мана, 14 йилдирки, депода трамвай ҳайдовчилик касбини эгаллаб уни ардоқлаб келяпти. Бу билан у шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг узоғини яқин қилишдек хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳамиша қувноқ, чеҳрасидан табассум аримайдиган ҳушбахт бу ёшгина аёлни Студентлар шаҳарчаси билан «Узбексельмаш» заводи ўртасида қатнайдиган 16-трамвай маршрутидаги кўпчилик пассажирлар яхши танишади.

Насиба ўтган қисқа вақт ичида коллектив ҳурматига сазовор бўлди. У пассажирларга юксак маданиятли хизмат кўрсатиши, техникани аъло даражада билиши, уни яхши сақлагани ҳолда авариясиз ишлаши билан ҳамкасблари ўртасида яхши танилган. Худди шунинг учун ҳам унга 1-класс ҳайдовчиси номи берилган. Бу —аёл учун ҳам шарафли, ҳам масъулиятлидир. Агар унинг ажойиб фазилатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, яна қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, у актив жамоатчи, ташаббускор, яхши мураббийдир. Насиба ёш бўлишига қарамай 10 дан ортиқ ёшларга устозлик қилиб, уларга касб сирларини ўргатди.

Насиба Абдуллахаева ҳозир эса Н. Абдуллахаева яқинловчи йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

Ҳалол меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Ана шундай ҳалол ва фидокорона меҳнати туфайли катта обрў, эътиборга сазовор бўлди. Унинг самарали меҳнати муносиб тақдирланди. Насиба III даражали Меҳнат Шуҳрат ордени, бир нечта медаль, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди...

Гўзал шаҳримизнинг кенг ва равон кўчаларига бўйлаб юзлаб автобуслар, троллейбус, енгил таксилар, жумладан 307 та трамвай вагонлари бетўхтов ҳаракат қилиб ҳар куни 330 минг йўловчи ташилади. Ана шундай трамвай вагонларидан бирини Насиба Абдуллахаева бошқаради.

Эл учун меҳнат қилиб, ана шундай ҳурмат қозоналётган азиз ҳамшаҳарларимиз ҳамиша бор бўлишсин.

**А. КАРИМОВ.**

## Бинокорлар беш йиллик вахтасида

# ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Шаҳримиз янги проспектлар, маданий-маиший, маъмурий ва турар жой бинолари ҳисобига кун сайин кенгайиб, ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда. Бунга шаҳримиз бинокорлари, жумладан Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трести бинокорлари ҳам катта ҳисса қўшишмоқда. Трест қурувчилари айни кунларда шифокорлар шаҳарчасида икки комплексдан иборат бўлган ТошМИнинг клиника касалхоналари, Беруний проспектида кўн-галантерея ва спорт буюмлари комбинати, кўплаб уй-жойлар қурилишида графикдан ўзган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Улар ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришяпти.

Юксак маррани қўлга киритиш учун қурувчилар ишлаб чиқаришга илғор иш методлари ва усулларини жорий этишиб, машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланишга, иш вақтини қадрлашга асосий эътиборни қаратишмоқда. Бинокорлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлашга алоҳида аҳамият беришяпти. Бу йил злобинчи бригадалар сонини 33 тага етказишга қарор қилинган. Трест амалга ошириши лозим бўлган барча қурилиш-монтаж ишларининг 67 процентини хўжалик ҳисоби методининг янги усулида адо этилади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш билан кутиб олиш ҳаракати ҳам трестнинг кўплаб қурувчилари томонидан қўллаб - қувватланган. 7-қурилиш бошқармасининг Жамол Холбоев, Валентин Ситников, 70-қурилиш бошқармасининг Станислав Варахтин, 47-қурилиш бошқармасининг Владимир Мельниченко каби ишлаб чиқариш пешқадамлари бошқараётган бригадаларининг аъзолари ўнинчи беш йиллик план-топшириқлари ни бажариш арафасида туришибди.

Трест бригадаларининг коллективлари доҳий туғилган кунини юксак кўрсаткичларни қўлга киритиш билан кутиб олишга катта эътибор беришмоқда,— дейди трест бирлашган касаба союз ташкилотининг раиси Т. Магдиев. — Ўнта бригадамиз 22 апрелгача беш йиллик планини бажаради.

Коммунист А. Шаматов етакчилик қилаётган 70-қурилиш бошқармаси коллективи трест қўлга киритаётган ютуқларга катта улуш қўшишмоқда. Бошқарма ўтган йил тўртинчи квартал планини 182 процентга бажариб, бошқармалар ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни эгаллаган эди. Беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам бу бўлинма қурувчилари ғайрат билан ишлашмоқда. Куни кечагина улар 2-Қорақамиш массивининг тўртинчи микрорайонида геология-қидирув заводининг 224 нафар ишчисига аталган ётоқхона биносида умумий қурилиш ишларини тугаллашди. Бунга республика қурилиш бригадалари конкурсининг голиби Эрик Ҳожибахтиев бошлиқ бригада аъзолари муносиб улуш қўшишди. Кўп йиллардан буён Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин усулида ишлаётган бригада бу объектда умумий қурилиш-монтаж ишларини муддатидан бир ой илгари тугаллади.

Профессорлар шаҳарчасида 320 ўринли замонавий болалар боғчаси биноси қад кўтармоқда. Шу кунларда бу ерда умумий қурилиш-монтаж ишлари қизғин авж олган. Бошқарманинг С. Варахтин етакчилик қилаётган комплекс бригадаси объектда кунлик топшириқларини 120—130 процентдан адо этаётир. Бригаданинг И. Свирденко, Г. Икромов, Ш. Саидхонов каби аъзолари тез ва сифатли ишлашда барчага ўрнак кўрсатишяпти.

Бошқарманинг Николай Мина етакчилик қилаётган бригадаси куни кеча 1982 йил ҳисобига ишлай бошлади. Бу бригада Марказ—17 кварталида замонавий мактаб биносини графикдан ўзган ҳолда барпо этмоқда. Коллектив ўтган ойда планда белгиланган 50 минг сўмлик ўрнига 90 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Бригада бинони янги ўқув йилига қадар фойдаланишга топшириш учун шижоат билан иш олиб боряпти.

Бошқармада бундай ғайратли бинокорларнинг кўплиги туфайли белгиланган план ва топшириқлар муддатидан илгари сифатли қилиб адо этиляпти.

**С. АЗЛАРОВ.**

• *Қурилиш майдонида*

## Тобора кўркамлашяпти

Пойтахтимиз н и н г «Қўйлиқ-4» массиви кун сайин кўркамлашиб ва ободонлашиб бормоқда. Кўплаб турар жойлар, маиший-хизмат кўрсатиш уйлари фойдаланишга топширилмоқда. Бу ишларда «Главташкентстрой»нинг 3-трести 15-қурилиш бошқармаси қурувчиларининг ҳиссаси катталигини.

Улар яқинда Мунис кўчасида болалар боғчаси биносини фойдаланишга топширишди. 26 хонадон истиқомат қиладиган бино эса фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Янги ўқув йилигача ўрта мактаб биноси ҳам фойдаланишга топширилади.

Қурувчилар ўртасида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзаро мусобақа авж олдирилган. В. Шавлюк, В. Нортаев, Т. Гофуров бошчилик қилаётган бригада қурувчилари ўзаро мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

**А. ЎТБОСАРОВ,**
**қурувчи.**

• *Конституцияда битилган*

## ҚАРИЯЛАР ИЗЗАТДА

**«СССР гражданлари қариган чоғида, касал бўлиб меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганларида, шунингдек боқувчисиз қолганларида моддий таъминот олиш ҳуқуқига эгадирлар...»**

СССР Конституциясининг «СССР гражданларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» бобининг 43-моддасида гарантиялаб берилган бу ғамхўрликлар нақадар тўғри эканлигига бугунги кунда пойтахтнинг Собир Раҳимов районида жойлашган республика қариялар пансионатида бўлган киши пухта ишонч ҳосил қилади.

Уч гектарлик майдонни эгаллаган, 250 ўринли икки қаватли бинода Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари бўлган кишилар кексалик гаштини суришяпти. Улар учун ҳамма-ҳаммаси муҳайё этилган. Коридор бўйлаб гилам тўшалган. Ҳар бир қаватда ётоқхона, ҳаммом, радиоприёмниклар, рангли телевизор ва бошқа қулайликлар улар хизматида.

Пансионатда дам олиб яшаётган кексалар сўзини ифодалаб, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ҳошим ота Биёров, Комилжон Курчиев, Гаврил Кузьмич Шевченко, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Екатерина Михайловна Мушитескаялар шундай дейишди:

— Биз қарияларга шунчалик қулайликлар ва имтиёзлар яратиб берган Коммунистлар партия ҳамда Совет ҳукуматидан чексиз миннатдормиз. Биз каби Улуғ Ватан уруши қатнашчиси бўлган, коммунист Аббос Тожиев раҳбарлик қилаётган пансионат хизматчилари доимо бизга меҳрибонлик кўрсатиб туришибди.

Пансионат хоналарини айланиб чиқиб, кекса отахон ва оналарнинг ушбу дил сўзлари нақадар тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Сайлов олди кунларида агитаторлар группалари уларнинг тез-тез меҳмони бўлиб туришибди.

**Н. РИХСИЕВ.**



Тошкент трактор заводи коллективи мамлакатимиз пахтакорлари учун пахтани қоп-қопсиз ташийдиган прицеплар тайёрлаб берувчи ягона корхонадир.

СУРАТДА: қишлоқ меҳнаткашларига жўнатишга ҳозирланган прицеплар.

Қ. Исоқов фотолари.

◆ РАССОМ ШАРҲИ

## ҚЎЧАЛАРГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Киров районидаги бизнинг «Янгиариқ» маҳалламиз кўчаларининг кўпчилиги ўнқир-чўнқир. Негаки, канализация қувурлари ўрнатилганда, чуқурларни кўмиб, асфальтлаш ишлари сифатсиз бажарилган. Эндиликда қудуқлар ўрни ўпирилиб кўчалардан машина юриш у ёқда турсин, пиёда юриш ҳам амри-маҳол бўлиб қолди.

Айниқса Абу Али ибн Сино кўчасида бошидан оёқ чуқурчалар кўп. Район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари бу кўчаларга қачон аҳамият беришади?

**А. НАБИХУЖАЕВ,**
**пенсионер.**




**ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...**

## Қутлуғ айём арафасида

Чилонзор районидаги 5-маданият уйи бадиий ҳаваскорлари 24 февралда ўтказиладиган Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларига сайлов кунига атаб ранг-баранг программада концерт тайёрлаяптилар.

— Биз,— дейди маданият уйи бадиий раҳбари Ж. Еқуббеков,— сайлов кунлари ўз чиқишларимиз билан сайловчилар дилини ҳушнуд қилмоқчимиз. Ҳозиргача Р. Аҳмедов, С. Жалолов, Қ. Алиматов, Қ. Шукуров, Р. Султонов, Ш. Аҳмедов, Д. Пўлатов, А. Аҳмедов сингари ешқ созандаларимиз «Баҳор вальси», «Ўзбекистон» каби ўнлаб куй, қўшиқларни мукаммал ўрганиб олишган. Айниқса Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Сайлов олдидан» музикали композицияси муваффақиятли чиқди.

Л. РИХСИЕВ.

**... МАҚТАЙДИ ...**

## Аҳоли мамнун

Чилонзор район алоқа тармоғига қарашли 43-алоқа бўлими ходимлари аҳоли учун бир неча қулайлик яратмоқдалар. 2 ва 3-Чарх Камолон маҳаллаларидаги «Тоҳир», «Зуҳра», «Зарванд», «Ҳушбахт», «Громкий», «Байнал-Минал», «Зебенисо», «Зафар», «Навбаҳор», «Бўстонлиқ», «Шарқ тонги» кўчаларига ҳар бири 12 хонадонга мўлжалланган 54 та темир почта қутиси ўрнатилди. Энди ҳеч ким хат ташувчиларни интизор бўлиб кутиб ўтирмайди. Ҳар бир хонадон эгаси ишдан қайтаётиб, ўзига тегишли қутичани махсус калити билан очиб, газета-журнал, хатларни олади.

Бу хайрли ишни амалга оширишда район алоқа тармоғи слесарлардан В. Камолов, В. Ситников ва В. Мамаевлар жонбозлик кўрсатдилар.

Район алоқа тармоғи яратиб берган бу қулайликдан 43-алоқа бўлими ходимлари ва аҳоли чексиз миннатдор.

**Р. ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**ўқитувчи.**

**...ТАНҚИД ҚИЛАДИ**

## «Қил кўприк»ка ўхшайди

Бундан 12 йил муқаддам 1-Қорақамиш массиви қурила бошлаган вақтда қурувчилар вақтинчалик Абдулла Набиев маҳалласи билан 1-Қорақамиш массиви оралиғидаги Қичқириқ ариғи устига ёғочдан кўприк қурган эдилар. Кўприкнинг узунлиги 10 метр бўлиб, эни 1 метр келади. Кейинги 10 йиллар ичида Абдулла Набиев маҳалласида ҳам, 1-Қорақамиш массивида ҳам катта-катта қурилишлар бўлиб аҳоли сони кўпайди. Турар жойлар, мактаблар, болалар боғчаси, озиқ-овқат ва бошқа магазинлар қурилди. Бу кўприк йўли серқатнов бўлиб қолди.

Бу ердан маҳалла аҳолисидан ташқари касалхона ходимлари, айниқса ёш болалар тинимсиз ўтиб турадилар. Вақтинча қурилган кўприк 12 йил давомида аҳолига хизмат қилиб, анча ишдан чиқди. Кўприкдан бир неча киши бирдан ўтадиган бўлса, лопиллаб йўловчини вахима босади. Айниқса, ёмғирли, қорли кунларда йўловчилар жуда қийналмоқда. Кўприкнинг таҳталари чириб, синиб кетган. Бу ҳақда 2 йил аввал тегишли ташкилотларга хабар қилингач, кўприк рўпарасига эни 3 метр, бўйи 12 метр узунликдаги темир-бетон кўприк келтириб қўйилди. Аммо уни кўтариб «қил— кўприк» ўрнига ўрнатадиган «полвон» крандан ҳамон дарак йўқ.

Шу кунларда Қичқириқ ариғида сув жуда оз, айни кўприкни ўрнатиш вақти. Аммо район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари бунга аҳамият беришмаяпти. Хўш, улар энди нимани баҳона қилишаркин?

**Ҳ. ЮЛДОШЕВ,**

**ҲАМКУЛАСИЗ, КУЯСИЗ**

## «Танчадан яхшиси йўқ»

Шундай қилиб ёз бўйи қилинган ҳаракат бекор кетмади. Улар уйларига табиий газ билан ишлайдиган иситиш системасини ўрнатишди. Ҳамма хурсанд, фақат оила бошлиғи чаккасини қашлаб чўт қоқиб ўтирибди.

— Адаси, нимани ҳисоблаяпсиз?— деди уй бекаси эрининг хомуш ўтирганини кўриб.

— Нимани бўларди, кетган харажатни-да! Ўйлаб қарасам роса 2630 сўм кетипти. Кичкина пулми!

— Вой, болаларнинг жонидан айлансин. Пул кетса кетар. Энди кўмир ёқиб ҳамма ёқни кир қилмаймиз, болаларнинг кийимини ювсак ярим соатга қолмай қурийди. Жонимиз кириб иссиққина, озодагина уйда ўтирамиз.

Улар шундай орзу қилишган эди. Афсуски, ниятлари пучга чиқди. Совуқ тушиши билан батарея жонивор. Ўликнинг оёғидек музлади-қолди. Ертўлага тушиб АГВ печкасининг уёғини бураб кўришди, буёғини бураб кўришди, фойдаси бўлмади.

— Бу кунингиз ҳали ҳолва,— деди уларнинг ишбилармон қўшниси маслаҳат бериб.— Яхшиси системадаги сувни чиқариб ташланг. Бўлмаса батарея ёрилади-ю шунча пулингиз ҳавога учади-кетади.

— Ахир совуқда қолдик-ку, нима қиламиз энди?

— Шуни ҳам билмайсизми, танча қуринг.

— Кўмир бўлмаса, ўтин бўлмаса, нима билан иситамиз!

Қўшни шуни ҳам билмайсизми дегандек қўл силтади:

— Битта яхши электр печка сотиб оласиз, хонтахтанинг тагига тиқасиз, устига кўрпа ёпасиз. Қарабсизки тап-тайёр танчада!

— Пулчи-пули? Пули белни чиқариб юбормайдими? Плита қўйгандан кейин счетчик самолётнинг пирпираги бўлиб айланиб кетади-ку.

Бу сафар қўшнининг жаҳли чиқди:

— Унақа бўлса билганингизни қилинг. Менга деса зотилжам бўлмайсизми!

Акмал Икромов районидаги Акмал Икромов маҳалласида иситиқомат қилувчи Л. Ҳамидов зотилжам бўлишни хоҳламасди. Аммо шунча пул тўлаб совуққа ўтиргани ҳам алам қилар эди. Қўлига қалам, қоғоз олиб яна ҳисоблаб чиқди. Агар шунча пулга кўмир ёқиб печка иситганида ҳам роса ўттиз йил жони кириб ўтираркан.

Ҳамма ерда бўлганидек бу маҳаллада ҳам топқир одамлар бор. Тўқимачи кўчасининг 2-проездида истиқомат қилувчи Мирзоҳид ака қайсидир газ идорасида ишлайдиган ўртоғини чақириб келди. Ўртоғи қандайдир сеҳрли ҳаракат қилган эди, гази гувиллаб ёниб овқати ҳам пиша қолди, уйи ҳам исий қолди. Аммо Мирзоҳид аканинг қувончи ҳам узоққа бормади. Унинг уйи исибди-ю, нарироқдаги теплицада гуркираб ўсаётган экинлар тарашадек қотиб қопти. Бояги оғайниси теплицага бораётган газнинг оқаванини шуёққа тўғрилаб юборган экан. Теплицадагилар анойи дейсизми! Ўша куниёқ газнинг қулоғини бураб Мирзоҳид аканинг хонадонини совуққа қолдираверди. Газ пастлигидан совуқ туфайли азият чеккан Т. Рихсихўжаев, Л. Ҳамидов, Х. Муҳаммадалиев ва бошқалар бош айбдорни излаб Акмал Икромов райгазига мурожаат қилишди. Райгазда мана бундай савол-жавоб бўлди:

— Биз совуқда қолдик.

— Начора, совуқ газга ҳам таъсир қиляпти, босим камайиб кетди.

— Ўзи бизда нари борса бир ой ростмана қиш бўлади. Ақалли шу муддатга ҳам чидолмайсизла р м и? Шунақа пайтда газ босимини нормал қилмасангизлар нега ойлик оляпсиз? Нега шунча пул олиб бизларни сарсон қилдингиз?

— Бунисини «Ташгаз»дан сўрайсиз.

— Майли, «Ташгаз»га бордик ҳам дейлик. Лекин бу билан дарров исиниб қолмаймиз-ку. Яқин орада уйларимиз исишига умид борми-йўқми?

— Бор! Об-ҳаво бюросининг маълумотига қараганда 10 февралдан кейин кунлар илиб қолар эмиш. Ўшанда сизларнинг уйингиз ҳам исиб қолса ажаб эмас.

Ёзда сизларнинг кўчага катта ҳажмдаги қувурлар ўрнатилади. Ўшанда ҳаммаси яхши бўлади.

Эҳтимол чиндан ҳам газ босими пасайиб кетгандир. Эҳтимол ҳамма айб райгазда эмасдир. Лекин қиш ғамини ёзда кўриш керак эди-да. Акмал Икромов район газ эксплуатацияси хизмати ходимларининг ваъдаси билан одамларнинг уйи исиб қолмайди-ку. Редакцияга мактуб йўллаган Т. Муҳаммадалиев, Т. Рихсихўжаев сингари газетхонлар ҳали ҳам бўлса ўзимизнинг сандаллан қолмайлик деган худосага келишибди. Бу хулоса унчалик тўғри эмас. Район газ эксплуатацияси хизмати ва «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари буни яхши билишса керак.

**ҲУШЕРБЕК.**

# ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

## *Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзодлар рўйхати*

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг ахборотига кўра, сайлов тўғрисидаги низомга мувофиқ сайлов округларида қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига депутатликка номзод қилиб рўйхатга олиндилар:**

## Акмал Икромов районы бўйича

1-сайлов округи

**Оқилова** Гулсар Маҳмудовна — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси, 1940 йилда туғилган, партиясиз — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

2-сайлов округи

**Халилов** Ботир Ғуломович — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети секретари, 1927 йилда туғилган, КПСС аъзоси — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

3-сайлов округи

**Парфенов** Владимир Сергеевич — 2-автокомбинат ҳайдовчиси, 1951 йилда туғилган, КПСС аъзоси — 2-автокомбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

4-сайлов округи

**Арслонова** Насиба Қодировна — Акмал Икромов район ошхоналар трестининг ошпази, 1943 йилда туғилган, партиясиз — Акмал Икромов район ошхоналар тресті ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

5-сайлов округи

**Аҳмаджонов** Комилжон Маҳамедович — ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати бўйича тажриба заводи электромеханиги, 1951 йилда туғилган, партиясиз — ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати бўйича Тошкент тажриба заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

6-сайлов округи

**Музаффаров** Ҳикмат — 2512-автоколонна ҳайдовчиси, 1942 йилда туғилган, партиясиз — 2512-автоколонна ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

7-сайлов округи

**Зокирова** Гулшод Фотиховна — Тошкент заргарлик заводи заргари, 1951 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — Тошкент заргарлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

8-сайлов округи

**Ғаниев** Абдурашид Тўлаганович — Тошкент заргарлик заводи заргари, 1951 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — Тошкент заргарлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

9-сайлов округи

**Тусейнова** Зоя Ивановна — «Узавтострой» трестига қарашли Тошкент область қурилиш бошқармаси бўёқчиси, 1928 йилда туғилган, партиясиз — «Узавтострой» трестига қарашли Тошкент область қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

10-сайлов округи

**Покутнев** Василий Тимофеевич — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети маъмурий органлар бўлими мудири, 1919 йилда туғилган, КПСС аъзоси — 2512-автоколонна ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

11-сайлов округи

**Саидова** Наима Набиевна — «Шуҳрат» мактаб-магазини сотувчиси, 1956 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — «Шуҳрат» мактаб-магазини ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

12-сайлов округи

**Абдуллаева** Озода Аҳмедовна — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористкаси, 1958 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

13-сайлов округи

**Жалолов** Аббос Анварович — 2512-автоколонна автослесари — 1958 йилда туғилган, партиясиз — 2512-автоколонна ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

14-сайлов округи

**Маматбоева** Ўлмас Фармоновна — Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, 1955 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

15-сайлов округи

**Пашенко** Зинаида Дмитриевна — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-йиғувчиси, 1946 йилда туғилган, партиясиз — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

16-сайлов округи

**Хвостова** Нина Александровна — Тошкент булка-кондитер комбинати қадоқловчиси, 1938 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент булка-кондитер комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

17-сайлов округи

**Леонов** Виктор Никанорович — 2512-автоколонна газ-электр пайвандчиси, 1936 йилда туғилган, партиясиз — 2512-автаколонна ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

18-сайлов округи

**Мадишев** Сергей Сергеевич — 2-автокомбинат слесари, 1950 йилда туғилган, КПСС аъзоси — 2-автокомбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

19-сайлов округи

**Алиматова** Клара — «Хизмат-беминнат» фирмаси катта сотувчиси, 1947 йилда туғилган, партиясиз — «Хизмат-беминнат» фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

20-сайлов округи

**Асепков** Юрий Асралович — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети саноат бўлими мудири, 1941 йилда туғилган, КПСС аъзоси — ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати бўйича Тошкент тажриба заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

21-сайлов округи

**Шеремет** Раиса Федоровна — ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати бўйича тажриба заводи прессловчиси, 1948 йилда туғилган, партиясиз — ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати бўйича Тошкент тажриба заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

22-сайлов округи

**Алексеев** Алексей Сергеевич — Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли давлат махсус бадиий конструкторлик технология бюроси электр пайвандчиси, 1940 йилда туғилган, партиясиз — Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли давлат махсус бадиий конструкторлик технология бюроси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

23-сайлов округи

**Хошимова** Лутфиниса — булка-кондитер комбинати ишчиси, 1953 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент булка-кондитер комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

24-сайлов округи

**Зиёдов** Зоид — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, 1949 йилда туғилган, партиясиз — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

25-сайлов округи

**Антонова** Сакина Кашаповна — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси диспетчери, 1947 йилда туғилган, партиясиз — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

26-сайлов округи

**Солихова** Латофат Собировна — тез медицина ёрдами кўрсатиш клиник касалхонаси қошидаги 4-станция диспетчери, 1934 йилда туғилган, партиясиз — тез медицина ёрдами кўрсатиш клиник касалхонаси қошидаги 4-станция медицина ходимларидан.

27-сайлов округи

**Муталова** Кифоят Аҳмедовна — заргарлик заводи заргари, 1954 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент заргарлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

28-сайлов округи

**Ерматова** Лидия Александровна — сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси тахловчи-жойловчиси, 1948 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасиниг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

29-сайлов округи

**Эрназарова** Дилбар Аҳмедовна — сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, 1958 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

30-сайлов округи

**Мирсаидов** Шукрулла Раҳматович — шаҳар план комиссиясининг раиси, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси — Тошкент заргарлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

31-сайлов округи

**Йўлдошева** Шоира Рашидовна — Тошкент миллий чолғу асбоблари фабрикаси йиғувчиси, 1957 йилда туғилган, партиясиз — Тошкент миллий чолғу асбоблари фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

32-сайлов округи

**Исаев** Саъдулла Исроилович — Тошкент шаҳар ижроия комитети маиший хизмат бошқармаси бошлиғи, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси — «Узавтострой» трестига қарашли Тошкент область қурилиш бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

33-сайлов округи

**Аҳмедов** Назир Аҳмедович — Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғи, 1924 йилда туғилган, КПСС аъзоси — Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

34-сайлов округи

